ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 122 (10.427) | 2005 ЙИЛ 24 ИЮНЬ

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ
14
O'ZBEKISTON

*Шаҳрим — фахрим*



**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашувида ўзига хос ўрни бўлган пойтахтимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳримизни қайта қуриш, обод этиш, иқтисодиётини янада юксалтириш борасида давом этаётган улкан ишларнинг замирида она-Ватан, келажаги буюк юрт ободлиги, халқ фаровонлиги кўзда тутилган. Пойтахтимизнинг қайси кўчасидан ўтманг, бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Эски шаҳарнинг қурилиш майдонларида шижоат, Сергели туманида бунёд этилаётган равон йўл ва мустаҳкам кўприк қурилишидаги жадаллик, ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасалардаги энг улуғ, энг азиз байрамни ёруғ юз билан кутиб олиш тараддуди фахрланиш ҳиссини уйғотади. Мустақиллик яратган имкониятга беадад шукроналар айтасиз.**





## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ Жаноби олийларига

*Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм, Ассалому алайкум муҳтарам Президент жаноби олийлари*

*Ўзбек халқининг асрий орзуси, юртимиз мустақиллигини кўролмайдиган бир гуруҳ фитначиларнинг жиноятлари ила Ўрта Осиё гавҳари — Фарғона водийсида, хусусан, Андижонда амалга оширилган мамлакат ва халққа қарши содир этилган кўнгилсиз воқеалардан бохабар бўлиб, изтиробга тушдик.*

*Аллоҳнинг каломи — Қуръони каримда: «Фитна — қотилликдан ёмонроқ жиноятдир», дейилган. Бу мудҳиш кимсалар ҳам фитнага, ҳам қотилликка қўл урдилар.*

*Андижон халқи ҳеч қайси замонларда фитнага аралашмаган. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу хатти-ҳаракатга аралашиб қолганлар мамлакат душманларининг ташқаридан туриб қилган алдовлари ҳамда бебурд ваъдаларига учганлар.*

*Ўзбек миллатимиз бошига синов тушганида ўз Йўлбошчилари атрофида жипслашиб, ҳар қандай мушкулотни Аллоҳнинг ёрдами ила ҳал этиб келган. Яратган Парвардигоримиздан сўраймиз, муҳтарам юртдошларимизни даъват қиламизки, бу сафар ҳам Сиз — Жаноби олийларининг атрофингизда жипслашиб, шум ниятли кишиларнинг мақсадларини амалга оширишга асло йўл қўйилмагай, иншооллоҳ.*

*Аллоҳ Ҳақ субҳаноҳу таолодан гўзал Ватанимиз — Ўзбекистонни ёмон кўзлардан, турли хил офатлар, бало-ю кулфатлардан ўз паноҳида асрашини сўраб қоламиз.*

*Сиз муҳтарамга, Президент Жаноби олийлари, барча эзгу амалларингизда Яратгандан мадад бериб туришини илтижо қиламиз.*

*Эҳтиром ила,*
*Саудия арабистонилик ўзбек ватандошлари номидан:*

**САФОХОН ИБН ЖАЛОЛХОН ТЎРА МАРҒИЛОНИЙ,**
**ТЎРАХОН АЪЗАМХОН ИБН ЖАЛОЛХОН МАРҒИЛОНИЙ,**
**МЕЛИБЕК ИСҲОҚБЕК ТОШКАНДИЙ,**
**ХУРШИДБЕК ОЛИМБЕК ТОШКАНДИЙ,**
**АБДУРАҲМОН ХЎЖА ТУРКИСТОНИЙ,**
**ВА БОШҚАЛАР**

*Маккаи мукаррама шаҳри,*
*2005 мелодий йили, 16 май*

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

# «БИЗГА ОМАД ЁР БЎЛДИ», — ДЕЙИШМОҚДА ТАДБИРКОРЛАР

**Президентимизнинг кетма-кет матбуотда эълон қилинган Фармон ва Қарорлари ҳақиқатан ҳам тадбиркорларимиз учун орзиқиб кутилган ҳужжатлар бўлдики, эндиликда уларнинг янада эркин фаолият юритишлари, иқтисодиётимиз равнақи йўлида ташаббус кўрсатишлари, имкониятларини тўларoқ намоён этишларида ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Фармон ва қарорлар билан танишиб чиққан ҳар бир тадбиркор буни дилдан ҳис этмоқда, ўз ишига бўлган иштиёқи ортаётганини таъкидламоқда.**

Имтиёз ва рағбатлантириш ҳамиша тараққиётнинг омили эканлигини таъкидлаган ҳолда тадбиркор ва хусусий ишлаб чиқарувчиларга берилаётган имтиёз ва қўллаб- қувватлашларнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини айтиб ўтиш лозим. Шу боис ҳам бугун қайси бир тадбиркорлик субъектига борманг, ўз эзгу мақсади йўлида тинмай изланаётган қайси ишбилармон билан суҳбатлашманг, гапнинг индаллосини Юртбошимизнинг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳамда ундан сўнг эълон қилинган Қарор ва фармонларидан бошлашмоқда. Уларнинг тўлқинланиб айтаётган ҳар бир сўзидан шу нарса яққол аён бўлмоқдаки, Фармон ва Қарорларнинг амалдаги ижроси мамлакатимизда тадбиркорлик ривожида, уларнинг сафлари кенгайишида, ишлаб чиқаришлари равнақ топишида беқиёс ҳисса бўлади.

— Уч-тўрт кундирки, тадбиркорнинг кўчасида ҳақиқий байрам десам асло муболаға бўлмайди, — дейди “Офис-трейдинг” хусусий фирмаси директори Ҳусан Мамасаидов. — Юқоридаги Фармон ва Қарорлар ижроси тадбиркорнинг муаммолари ечимида олдидаги турли ғов ва тўсиқларни олиб ташлашда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлар эканмиз, демак бемалол эркин ишлаш вақти келганлигини, кўкрагимизга чиндан ҳам “шамол тегиши”ни дилдан ҳис этмай илож йўқ. Эътироф этмай иложимиз йўқ, чунки мустақилликнинг илк давриданоқ Президентимиз ҳамиша тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб келмоқда. Унинг “мамлакатимизнинг келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар”, деган сўзлари биз учун катта рағбатлантириш, билдирилган улкан ишонч бўлса, куни кечаги ҳужжатлар эса ҳақиқий меҳрибонлик, чинакамига ғамхўрликдир.

Давоми 2-бетда.

# ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ ИМЗОЛАНДИ

**Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ўртасида 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастурини имзолаш маросими бўлиб ўтди.**

Юртимизда болалар манфаатларини таъминлаш, уларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш ҳукуматимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатимизда бу борада кўплаб ижобий ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, зарур қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор кенг қамровли дастурлар ишлаб чиқилиб амалга оширилияпти. Давлат бюджетидан ижтимоий ҳимоя учун ажратилаётган маблағ доимий равишда кўпайтириб борилмоқда. Ҳукуматимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов ҳукуматимиз мазкур соҳада халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик масаласига жиддий эътибор қаратиб келаётганини ҳамда бугун имзоланган ҳужжат шундан яна бир далолат эканини таъкидлади.

— ЮНИСЕФ Ўзбекистонда ҳукумат раҳбарлигида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлардан, хусусан, аёллар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, таълим олиши учун яратилаётган шароитдан ғоят мамнун, — деди ташкилотнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ризо Ҳусайний. — Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилингани ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизига тенг миқдордаги маблағ таълимни ривожлантириш соҳасига йўналтирилаётгани таҳсинга лойиқдир.

Имзоланган ҳужжатни Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНИСЕФ ваколатхонаси ўртасидаги яқин ҳамкорлик меваси деб аташ мумкин. Унда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган стратегиялар, микронутриент танқислиги муаммоларини бартараф қилиш ва болаларни иммунизация билан қамраш, эмизикли гўдакларни озиқлантиришни ривожлантириш ва ёш болаларни тарбиялаш, мактаб ва маҳаллаларда гигиена ва санитария ҳолатларини яхшилаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид вазифалар ўз ифодасини топган.

Дастур мамлакатимиз миллий сиёсати ва амалга оширилаётган ислоҳотлар йўналишларига асосланган ҳолда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирокида ишлаб чиқилган. У оналар ва болалар манфаатларини таъминлашда янада юқори натижаларга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Дастур БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси асосида яратилган.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ризо Ҳусайний имзоладилар.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида жариманинг жиноий жазо чораси сифатидаги самарадорлиги ва уни жиноятчиликнинг олдини олишдаги ўрнини Самарқанд вилоятида ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**● Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ўртасида 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастурини имзолаш маросими бўлиб ўтди.**

**● Қашқадарё вилоятининг Касби ва Қарши туманлари деҳқонлари дон тайёрлаш бўйича йиллик шартнома мажбуриятини бажардилар.**

**● Фарғона шаҳри ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бўш иш ўринлари учун навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказди.**

**● Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний номи билан аталувчи истироҳат боғида иқтидорли ногирон болалар ўртасида расмлар танлови ўтказилди.**

**● Самарқанд тумани халқ таълими бўлимининг кенгаш йиғилишида ўрта мактабларни битираётган ёшларни маълум соҳага йўналтириш, касб-ҳунар ўргатиш, вақтини бўш ўтказмаслиги масаласи атрофлича муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгилаб олинди.**

### Жаҳонда

**● Хабарларга қараганда, сўнгги ҳафтада Ироқда Европада яшовчи мусулмонлар томонидан бир нечта террорчилик ҳаракатлари амалга оширилган. Кўҳна қитъа махсус хизматлари вакилларининг маълум қилишича, ҳозирги кунда Европада 21 та террорчилик гуруҳи фаолият юритмоқда.**

**● Швейцария энерготизимида ҳалокат содир бўлди. Натижада мамлакат темир йўлларида ҳаракатланаётган барча поездлар тўхтаб қолди. Ҳалокат сабаблари аниқланганича йўқ. Баъзилар уни кўпорувчилик ҳаракати билан боғлаётган бўлса, бошқа бировлар эса бу ҳолатга об-ҳавонинг кескин исиб кетганлигини сабаб қилиб кўрсатмоқда.**

**● Владивостокдаги денгиз портида ўта кучли радиация манбаи топилди. Хавфсизлик органлари берган маълумотга кўра, портга келган машиналарнинг биридан радиактив металл топилган. Приморье ўлкаси транспорт прокуратураси ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғаган.**

**● Санкт-Петербургдаги Мухина номидаги давлат бадиий-саноат академияси биносида жойлашган Амалий санъат музейидан XVII асрда яшаб ижод этган голланд рассоми Герард ван Хонтхорстнинг «Буюк Рим императори Фридерик V портрети» асари ўғирланган.**

**● АҚШ ва Буюк Британия Нигерия пойтахти Абужадаги ва Лаос пойтахти Вьентьяндаги ўзининг дипломатик ваколатхонаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вақтинча ёпишга қарор қилди.**

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Давоми. Боши 1-бетда

Муҳими, тадбиркор Фармон ва Қарорларнинг ҳар бир бандидан ўзига кўмак ва мадад топиши мумкин. Жумладан, Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарорида 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда эмас, балки ҳар чоракда тақдим этиш, шу билан бирга у ҳисоб-чорагидан кейинги ойининг 25 кунигача топширилиши ортиқча югур-югурларнинг олдини олади. Бу корхона ҳисобчиларига ҳам бирмунча қулайликлар яратиб, ортиқча вақтларини ишлаб чиқариш ривожига сарфлаш имконини беради.

"Азиза Сайфи қизи" хусусий корхонасида бўлганимизда эса тадбиркор раҳбар Азиза Ғуломовани бир гуруҳ чеварларга яратилган имтиёзлар ҳақида тўлқинланиб тушунтираётганига гувоҳ бўлдик.

— Жудаям хурсандмизки, тадбиркорнинг қадди янада баландроқ кўтариладиган, қадри эса ошадиган бўлди, меҳнатлари муносиб баҳосини олмоқда, — дейди у фахр билан. — Корхонамизда 70 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланган. Албатта, ички бозорда ўз хизматимиз ва сифатли маҳсулотимиз билан ўрнимизга эгамиз. Юртбошимизнинг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоясини янада такомиллаштиришга қаратилган Фармони юзлаб, минглаб, миллионлаб тадбиркорлар учун айни муддао бўлди, деб айта оламан. Негаки текширишлар пайтида ноқонуний хатти-ҳаракатлардан кўпчилик норози бўларди, ҳаттоки "Эсимиз борида этакни ёпайлик" деб ўз ишидан воз кечган тадбиркорлар ҳам бор эди. Фармон асосида эса эндиликда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали жорий этилади, молия-хўжалик фаолиятларини текшириш эса белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Мабодо улар томонидан ана шу текширув давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади. Тадбиркор ноқонуний иш юритган бўлса, албатта жавобини беради. Бир сўз билан айтганда, эркин фаолият кўрсатишга, кўпроқ иш билан шуғулланишга имтиёз яратилди. Бундан оқилона фойдаланиш эса ҳар бир тадбиркорнинг ўзига ҳам боғлиқ.

## «БИЗГА ОМАД ЁР БЎЛДИ», — ДЕЙИШМОКДА ТАДБИРКОРЛАР

— Айнан тадбиркор кутган Қарор ва Фармонлар чиқдики, бундан қувонмай бўлмайди! Уларни ўрганиб, фаолиятда қўллаш эса ҳақиқий тадбиркор учун омад келтириши шубҳасиз, — дейди "Олмос-текс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Садриддин Исмоилов. — Номма-ном айтишга ҳожат йўқку, лекин 10 йиллик фаолиятимиз давомида худа-бехуда текширувлар, хўжалик фаолиятимизга аралашувларга кўп дучор бўлганмиз. Айниқса, бундай текширувлар орасида кимнингдир "илтимос"ини бажаришдан бош тортсангиз, бир танобингизни тортиб қўйиш учун юборилгани ҳам бўларди. Гоҳида бирданига 3-4 ташкилотдан ҳам текширувлар келиши кўзланган режангизни чиппакка чиқариши ҳам ҳеч гап эмасди. Яна бир нарса бор эдики, муқобил текширишлар чоғида ҳамкорларимизни йўқотардик, уларнинг бизга ишончи сусаярди. Фармонда эса "Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилсин", дея кўрсатилганлиги юқоридаги ҳолга чек қўйиши аниқ.

Яна бир нарсани таъкидласа бўладики, бу "Ҳакамлар суди тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишидир. Албатта, ушбу Қонун қабул қилинса тадбиркор фаолиятининг эркинлиги кафолатланади. Чунки бу халқаро тажрибада синалган усул саналиб, адолат бўлишида оқилона тадбир ҳисобланади. Жуда яхши деб таъкидлагим келадиган яна шуки, эндиликда назорат органларининг раҳбар ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларида ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар бўлиши белгиланган.

Хуллас, Фармоннинг ҳар бир бандида тадбиркорларга кафолат ва имтиёз, қўллаб-қувватлаш ётибди. Корхонамиз хусусида айтадиган бўлсам, жорий йилнинг ўзида 100 минг долларликдан зиёд хорижий замонавий ускуналар келтириб, маҳсулотнинг рақобатбардош турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, 20 дан ортиқ ишчи ўринлари яратдик. Насиб этса, бундан буёғига режаларимиз бисёр, айниқса юқоридаги ҳужжатлар биз учун имкониятлар эшигини кенгроқ очди. Энди ушбу эшикдан дадил одим ташлаш изланиш ва ташаббусимизга, масъулиятни ҳис этишимизга боғлиқ.

Бу тадбиркорларнинг айни бугунги гаплари, дил изҳорлари, рағбатга муносабатлари. Зеро уларнинг ҳар бирида ўз ишига, тадбиркорлик фаолиятига иштиёқ уфуриб турибди. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни давом этар экан, тадбиркор бундан фойдаланиб унинг равнақига муносиб ҳисса қўшаверади. Бир сўз билан айтганда эса Президентимизнинг тадбиркорлик соҳасидаги Фармон ва Қарорлари уларга куч-ғайрат бағишламоқда, келгуси фаолиятларида мустаҳкам суянч ва таянч бўлишига ишонтирмоқда.

Тадбиркорнинг қаноти янада кенгроқ ёзиладиган давр келди, десак асло муболаға бўлмайди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

*Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди*

# КАРВОН ОРТГА ЧЕКИНМАС

**Рустам ҚОСИМЖОНОВ,**
**Халқаро гроссмейстер, шахмат бўйича Жаҳон чемпиони, Амир Темур ордени соҳиби, Ўзбекистон ифтихори:**

— Истиқлол буюк неъмат. Буни мен ўтган йили жаҳон чемпиони деган шарафли номни қўлга киритганимда яна бир карра юрагимдан ҳис этганман. Агар юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳукм сурмаганида, энг асосийси Мустақиллик қўлга киритилмаганида табиийки мен ҳам шахмат оламида ҳозирги мавқега эришмаган бўлардим. Бунинг учун халқимга, яқинларимга ҳамда Юртбошимиз Ислом Каримовга мудом раҳматлар айтаман. Майли, мамлакатимизда биргина жисмоний тарбия ва спорт ривожига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида бир ўйлаб кўрайлик. Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикасида ва барча вилоятларда кўплаб спорт мажмуалари бунёд этилиб фойдаланишга топширилди, ёшларимизнинг жисмонан бақувват ва соғлом бўлишлари, келажакда профессионал спортчи сифатида юртимиз шаънини баланд кўтаришлари учун «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шукрки, ёшлар ва ўсмирлар орасида «ақл гимнастикаси» — шахматни чуқур ўзлаштираётган, халқаро турнирларда муваффақият қозонаётганлар сафи кенгаймоқда. Хусусан, Андижон вилоятида ҳам зукко, билимли тенгдошларим, укаларим жуда кўп. Шу боис ҳам 13 майда Андижонда содир этилган мудҳиш воқеалар халқимизнинг, хусусан ёшларнинг иродасини бука олмади, аксинча ҳар биримизни ёвуз кучларга қарши туришга, Юртбошимиз атрофида янада мустаҳкам жипслашишга даъват қилди. Тенгдошларимга, укаларимга сингилларимга шуни айтишим мумкинки, ақидапарастликка, диний экстремизм ҳамда терроризмнинг қора ниятларига қарши Юртбошимиз атрофида жипслашган ҳолда курашайлик. Мустақиллигимизни асраб-авайлаш, демократия ва адолатга таяниб иш кўриш бурчимиз эканлигини унутмайлик. Зеро ёруғ манзилларга интилган карвон асло ортга чекинмагай.

**Рустам ЭРГАШЕВ,**
**Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:**

— Халқимизда «Отанг маҳалла — онанг маҳалла» деган ҳикматли ибора бор. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар бир инсон аввало маҳаллада туғилади, маҳаллада яшайди. Истиқлол шарофати билан Маҳалла институтига асос солинганлиги, Юртбошимизнинг шахсан ташаббуслари билан «Маҳалла» хайрия жамғармаси тузилганлиги, «Ватан ичра кичик бир Ватан» бўлмиш маҳалла ривожига эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Аммо, мамлакатимиз тинчлигию осойишталигига, барқарорлигимизга раҳна солмоқчи бўлган кимсаларнинг Андижон шаҳрида содир этган хунрезликларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Қизиғи, диний экстремистлар, ақидапарастлар бўлмиш бир гуруҳ террорчиларнинг Андижон шаҳридаги кўпорувчиликлари ҳақида шахсан Юртбошимиз томонидан баёнот берилди. Бу воқеаларнинг сабаблари таҳлил этилди, сабабчилари кимлар эканлиги маълум қилинди. Телевидениеда, матбуотда Республика Бош прокуратурасининг бу ишлар юзасидан олиб борилаётган ҳаракатлар тез-тез эълон қилиб турилибди. Дарвоқе, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчихоналари вакиллари, ҳуқуқшунослардан иборат комиссия ҳам айни кунда фаолият юритяпти. Шунга қарамай, оқни қора қилиб кўрсатишга, Андижон воқеаларини тўғри таҳлил этмай, бу ҳақда ёлғон ахборотлар эълон қилишга уялмаётган айрим хорижий оммавий ахборот воситаларининг мақсадини англолмай ҳайрон бўляпмиз. Пенсионер Анфим Хлизов айтганидек, «Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?» Демократия ҳақида кеча-кундуз айюҳаннос солишни хуш кўрадиган, адолат, ҳақиқат учун курашни тарғиб қилишдан чарчамайдиган бу журналистларни эндиликда ким деб атамоқ лозим.

Менимча, туҳматчи хорижлик қалам аҳлларини «савдогар журналистлар» дейилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки улар пул учун, сохта обрў, сохта мансаб учун иймонларидан ҳам кечадилар, ёлғондан асло қайтмайдилар. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Андижон воқеалари мамлакатимиз аҳлини сергак торттирди. Юртбошимиз атрофида янада жипс бўлишга, истиқлолни асраш йўлида олға қадам ташлашга ундади. Ҳа, азизлар, ота-боболаримиз айтганларидек, «Ит хуради, карвон ўтади». Ҳақиқат ҳеч қачон синмайди.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Сергели туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Истиқболли авлод" нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорликларида Шукур Бурҳонов, Ал-Фарғоний, "Чоштепа", "Қумариқ", Абдураҳмон Шерматов, "Қўшқўрғон", "Обод", Усмон Юсупов маҳаллалари фаоллари иштирокида уюштирилган семинарда вояга етмаган болалар билан ишлаш масалалари муҳокама қилинди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги 154-мактаб қошидаги "Қалдирғоч" оромгоҳида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбирда фаол, интизомли тарбияланувчиларга Фахрий ёрлиқлар топширилди.

● **ЎТГАН** куни Бектемир туманидаги "Обод" маҳалласида фаоллар иштирокида ўтказилган давра суҳбати "Огоҳлик — давр талаби" деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

*Аския*

# ДОИРА ВА РАҚС КУЙЛАРИ ПАЙРОВИ

**ЖЎРАБОЙ АКА**:(Убайдулла ака-га) шаҳримиздаги қатор маданият ва истироҳат боғларида пойтахт меҳнат аҳли турли томошалар, концертлар кўришиб, мазза қилиб дам олишади. Яхши дам, меҳнатга ҳамдам деганларидек меҳнат аҳлини, кулги мухлисларини иккаламиз бир чимдим кулгу билан сийласак нима дейсиз?

**УБАЙДУЛЛА АКА**: «Тантана»да, тантана.

**ЖЎРАБОЙ АКА**: Лекин пайровдан чиқмангда ака, «Кулгини» кулдирувчини текширувчисиман-а, «Овчи»лардан ҳеч қочиб қутулганмисиз ўзи?

**УБАЙДУЛЛА АКА**: Намунча нафасингиз бўқоқ каптарга ўхшаб совуқ, «Бурилча»ларданмисиз дейман?

**ЖЎРАБОЙ АКА**: «Тожикча»ламанг мени тушунмайди деб.

**УБАЙДУЛЛА АКА**: Уни чалинг десам чалмайсиз, буни чалинг десам чалмайсиз. Нуқул кўзингиз «шўх қизларда» суф сиздақа доирачига.

**УБАЙДУЛЛА АКА:** мен ҳеч ўйинчига гап отган эмасман. Ҳалол одамман. Уйда аёлим бор, «Гулсара»хон.

**ЖЎРАБОЙ АКА:** Мана айнадиз-қўйдиз. Доирачиларнинг деви бор дейишади. Пешонангизга «қўш қарсак» қўйсам, эсингиз жойига келгач «ҳиндча»га тушаверсангиз-а?

**УБАЙДУЛЛА АКА**: Унда менам «Олтин кўлдан» топганим шу деб, «катта ўйин» қилардимда, ўртага олиб сизни.

**ЖЎРАБОЙ АКА:** «Катта базм»га олиб кетаман, одамлар сизни чалишда чарчатиб, ётқизиб туришса.

**УБАЙДУЛЛА АКА:** Бу сўз ўйини хафа бўлиш йўқ асло. Ўйинчи ҳа деб ўйнайверса чарчайдида. Ўзи бўладими сизни «кепчигингизни» товушига мос рақс топишни. Нима бало «довул»да қолдизми, ҳўлсиз.

**ЖЎРАБОЙ АКА:** Афсуски сизни концертингизга довулдан олдин келган эдим. Чалган доирангизнинг овозини эшитибоқ одамлар кетиб қолишар, деб ўйлаган эдим. Пули кетган қозоқ гаримдорини аччиқ чайнайди-да. Энди «Садр» тушинг ўзиз, «Кўкча»да.

**УБАЙДУЛЛА АКА:** Сизни «Бухорча» қилмоқчи бўлиб юрибману, «Садр» рақсига бало борми?

**ЖЎРАБОЙ АКА:** Юз марта айтгандимку сўз ўйинини яланғочлаб айтманг деб. У аския сюжетини бузиб, рақибни ранжитиб қўйиши мумкин. Мени «Сафти уфорим».

**УБАЙДУЛЛА АКА:** Хафа бўлманг ака, сиздан узр сўраяпман, ҳар ҳолда доирачиларга «Сарвоз»сизда, сарвоз.

**ЖЎРАБОЙ АКА:** Ҳа энди ўзизга келдиз. Чалаётган доирангиз даққи Юнусдан қолган чоғи, кўп ҳалқалари тушиб кетган. Тезда борингда бошқатдан «ҳалқа» қилдириб келинг. Рези соқов.

**ЖЎРАБОЙ АКА:** Ҳа, айтгандек «чўпон» ўйинига сиз, Учқун Ғаниевга доира чалган эдиз-а. Ўша раққоснинг таёғини ишлатиб юрибсизми ҳали ҳам, дирижёр таёқчаси деб.

**УБАЙДУЛЛА АКА:** Икки оёғиз орасига учта, қўлизда икки доира билан бир «терма» куй чалинг эшитиб мазза қилайлик. Чалмасангиз таёқ ейсиз ака.

**ЖЎРАБОЙ АКА:** «Пилла» чилар чақиришган, «қўқонча»ларни тайёрлаб тураверингчи.

**Абдулла ТОЛИПОВ**

# *ҲОЖИБОЙ ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАРИДАН*

## КЕЧИКИШ

Маҳалламиздаги обрўли бир чапани одам таниш ҳофизникига келиб, дебди:

— Биродар, кейинги якшанба куни элга наҳор оши бермоқчиман. Ўшанга бориб, ошга келганларни яхши қўшиқларингиз билан хурсанд этсангиз?

Ҳофиз ёнидан тўйга бориш рўйхати бор — темир дафтарини варақлаб дебди:

— Эрталабки ошга бўлса, вақтим бор экан, албатта бораман.

Орадан ҳафта ўтиб, шанба куни кечқурун бир жойга бориб хизмат қилиб, уйига ҳофиз анча кеч қайтибди. Эртаси куни эрта билан уйқудан кўзини очса тонг ёришиб кетибди. Шоша-пиша кийиниб, асбобини қўлига олиб, югурганича тўйхонага борибди. Борса, тўйхона эгаси асаби бузилган ҳолда у ёқдан-бу ёққа юриб, сўкинаётганмиш. Шунда ҳофиз унинг ёнига бориб, ёлбора бошлабди:

— Акажон, кечиринг, айб ўзимда! Кеча бир тўйдан анча кеч қайтиб, ухлаб қолибман! Кечиринг, айб менда!

— Нимангни кечираман, расво бўлдим!

— Кечиринг, ҳамма кетган харажатларингизни тўлашга ҳам розиман!

— Ҳа сенлар шунақасанлар, шарманда қилдинглар!

— Агар истасангиз, бошқа бир тўйингизда кечқурундан то тонггача хизмат қиламан, кечиринг ака!

— Нимангни кечираман! Ҳалигача ош дамлайдиган ошпаз ҳам келгани йўқ-қ! — деб тўйхона эгаси кўкрагига урармиш!

## ЖОНИМ

Бекатга навбатдаги автобус келиб тўхтади. Ҳамма чиқиб бўлди. Фақат бир бўйдоқ йигит ёнидаги қизга илтифот билан дерди:

— Жоним, сиз чиқинг, кейин мен!

— Йўқ, аввал сиз чиқинг, мен сиздан кейин чиқаман, — деб қиз йигитга йўл берди. Шунда йигит бир қўлини кўксига қўйиб, ёлворгансимон такрорлади:

— Жоним, йўқ деманг, аввал сиз чиқасиз.

Буларнинг гаплари ғашига теккан автобус ҳайдовчиси ўшқирди:

— Ҳой йигит, аввал сен чиқ, кейин «жон»инг чиқади!

## ГАПЛАРИМИЗ ҚИЗИҚ

Кўча чеккасида турсам рўбарўга «Жигули» келиб тўхтаб, ҳайдовчи ойнани тушириб сўради:

— Биродар, бу йўл қаёққа боради?

—Ҳеч қаёққа бормайди, — дедим.

— Наманганга борадими?

— Қизиқ экансиз, йўл бормайди, ўзингиз борасиз!

* * *

Салдан кейин бир танишим келиб деди:

— Ошна, самоварга чиқиб, уч-тўрт улфат ош дамлайлик!

— Ё тавба! Самоварга чиқиб? Ахир қайнаб турган самоварга чиқамизми? Яна уч-тўрт киши ош дамларканми? Самоварнинг устига бир киши зўрға сиғадику! Қайнаб турган самоварга-я? Ўзинг чиқавер. Ундан кўра, чойхонага борайлик, дегин!

# НОВЧАСИДАН УЗАТ

Ҳажвия

Тушлик тугаб, пешонасига "озиқ-овқат" деб ёзиб қўйилган дўконнинг ҳам ойнаванд эшиклари очилиши билан харидорлар гурр этиб, ичкарига кира бошлашди. Сотувчилар жой-жойларини эгаллаб, бирлари пештахталар ва токчалардаги ранг-баранг қутиларга қадоқланган бирбиридан чиройли маҳсулотларининг сафини тузатар, бирлари касса аппаратларини текширар, яна бирлари эса, хизматга шай бўлиб туришарди.

Эгнига енгилгина қора костюм-шим, оқ кўйлак кийган, бўйнига чиройли илоннусха бўйинбоғ таққан, қўлтиғига семизгина папка қистириб олган киши пештахталардан бирма-бир ўтиб бориб, қорамтир кўзойнаги остидаги бесаранжом кўзларини ҳар томонга югуртирганча ғалати қараш қилиб турарди. Ичимликлар бўлимига яқинлашганда у тутақиб кетди:

— Сотувчи қани?

— Ҳозир, ҳозир, ичкарида телефонда гаплашаётган эди, — дея шоша-пиша жавоб берди хавотирланиб қўшни бўлим сотувчиси.

Бу гапларни бутун вужудини қулоққа айлантириб эшитиб турган бошқа бир ҳушёр сотувчи темирни қизиғида бос, деган нақлга амал қилиб, мудирнинг кабинетига коптокдек отилиб кирди.

— Бир авзойи бузуқ киши ичимликлар бўлимида, сотувчиси қани, деб тўполон қиляпти. Қўлтиғида қалин папка ҳам бор. Қарашлари бежо, шубҳали...

— Нима? — мудирнинг қизариб турган бурнига бехосари қўниб қолгандек, кўзлари ола-кула бўлиб кетди. — Бор! Мавлонни чақир! Дўконнинг орқасида қариндошларига яна ул-бул тўғрилаб бераётган бўлса керак-да. Айт. Оёғини қўлига олиб, олдимга кирсин!

Новдадай ингичка, узун бурни остидан гугурт чўпидай мўйлабча чиқариб олган ичимликлар бўлими сотувчиси ит қувгандай шитоб билан оппоқ коржомаси тугмаларини йўл-йўлакай қадаб келаркан, юраги така-пука бўлаётгани оқариб бораётган юзидан ҳам аён бўлиб турарди. Мудирнинг ҳузурига кириб, бошлиғининг қовоқлари чамаси бир-бир ярим килоча бўлиб уюлиб турганини кўриб, дами ичига тушиб кетди. Айбини бўйнига олган боладай бошини қуйи эгиб олди.

— Ҳа, мана-ман деган мижозни бир чўқишда қочираман деб, керилишларинг бошқача эди-ю. Бу ёғи қандоқ бўлди?

— Энди нима қиламиз, ака? Бу, "Сизларни бир текширтириб олмасак бўлмайди. Хоҳласанглар чек берасизлар, хоҳламасанглар йўқ. Бунинг устига маҳсулотларнинг ҳаммаси сифатсиз, муддати ўтган, сертификати ҳам йўқ", деб шанғиллаб кетган жувоннинг иши бўлса керак. Қоғозга бир нималарни ёзиб олаётганди. Тушимга ҳам кирувди бақириқлари... — ранги- қути ўчган сотувчи қўлларини яширишга уринаётган ёш боладай дағ-дағ титрарди. — Ўзингиз бир иложини қилинг. Бола-чақа бор, акажон!..

— Қилар ишни қилиб қўйиб, энди менга ағдаряпсанми? Мени ўртага қўйиб, қутулиб қолмоқчимисан? Харидорнинг у қўлтиғидан кириб, бу қўлтиғидан чиқаман, деб роса айюҳаннос солаётган эдинг-ку. Тафтишчими, текширувчими, ўзинг муомала қилавер. Ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради, билдингми! Менга ҳам гап теккизадиган бўлдиларинг шундоғам. Неча маротаба айтдим сенларга, ҳой, эҳтиёт бўлинглар, деб. Беш-ўн сўмни қойиллатиб топиш қўлларингдан келмаса, нима қиласанлар чираниб? Бўпти, бўлар иш бўпти. Умар, ҳалиги омбордаги қоғозга ўроғлиқ ҳамма молларни савдога чиқарларинг. Шермат пиён яна ичибдими, кўчага чиқариб ташлаларинг! Анави палсовкада ўтирган ўқувчи болаларни кўздан йўқотларинг. Ҳозироқ ғойиб бўлишсин! Харидорларга тўғри муомала қилларинг! Яна у-бу чатоғимизнинг нафасини чиқарсаларинг, тамомман, деяверинглар. Биттангни ҳам аямайман. Индамаса, ҳа, ётиб олдиларинг...

Ташқаридан бояги кишининг дўриллдоқ товуши эшитилди:

— Бу қанақаси? Телефонга ёпишиб қолганми бу сотувчиларинг?

Ичимликлар бўлими сотувчиси бу дағдағани эшитибоқ харидорнинг ёнига югуриб чиқди-да, икки қўлини кўксига босди:

— Кечирасиз, тоғажон, маъзур тутасиз. Бир қошиқ қонимдан кечинг, ака. Биламан, кеча у онахонга сал мундайроқ муомала қилиб юборибман. Кеча хаёлим жойида эмасди. Бўлмаса, шу арзимаган қайтим менга керакми?! Қайтариб бераман. Мана, ерга тушиб қолиб кетган экан. Сизни беҳуда овора қилишибди-да...

Бояги киши баттар тутақиб кетди:

— Ў, сенларнинг муаммоларинг. Сен мени бу ишларинг билан бошимни қотирмагин-да, тез-тез ишимни битириб бер!

— Тушунмадим?!

— Шошиб турибман, вақтим тиғиз. Тезроқ менга битта "новчаси"дан. Заводскойидан, "тозаси"дан узатвор. Томоқлар тақиллаб кетди.

Сотувчининг қўлидаги пуллар ер билан битта бўлди.

**Зоир ЗИЁ**

# БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Хотин эрига гинахонлик билан деди:

— Дадаси, қачон ичиб келсангиз «Сен энг гўзал аёлсан, сен менинг фариштамсан» дейсизу, соғ пайтингизда бундай демайсиз.

— Шундай дегин, сен хафа бўлма, яримта ичган одамнинг эси ҳам яримта бўлади-да хотин.

* * *

Бир уйга тўсатдан бостириб кирган ўғри уйқудан уйғониб кетган уй эгасига пичоқ ўқталиб деди:

— Қимирламанг, мен сизга мутлақо зарар етказмайман, фақат хотиниз сиздан яшириб қўйган пулни қидириб топиб олсам бас.

— Ундай бўлса шошманг оғайни, — деди уй эгаси. — Мен чироқни ёқиб, сизга ёрдамлашиб юборай. Агар хотиним яшириб қўйган пулни топа олсак, иккаламиз бўлишиб оламиз.

* * *

Хўранда официантга шикоят қилиб деди:

— Менга қаранг. Сиз менга келтириб берган бифштекс ниҳоятда қаттиқ чандир экан. Ўн дақиқадан бери уни кесиб майдалай олмайман.

— Ташвишланманг, — деди унга жавобан официант, -ресторанимизнинг бекилишига ҳали анча вақт бор, улгурасиз.

* * *

Имтиҳон олаётган профессор талабага деди:

— Айтингчи, ўртоқ Ботиров, имтиҳон деб нимага айтилади ўзи?

— Имтиҳон бу, икки ақлли одамнинг ўзаро суҳбати, — деб жавоб берди талаба.

— Хўш, агар ўшалардан бири аҳмоқ бўлсачи? - яна саволга тутди профессор.

— Унда иккинчиси стипендиясиз қолади, — деб жавоб берди талаба ҳам бўш келмай.




Сўзсиз сурат.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

*Биласизми?*

## КИТ ҚОРНИДА ЯРИМ СОАТ

Кит овловчилар кемаси "Сарасота" Жанубий Оркней оролларида сузиб юрганида кўк китга дуч келди. Денгизчилар уни отиб ўлдириш учун тараддуд кўраётган вақтда ёш матрослардан бири кемадан сувга йиқилиб кетди. Ярадор ҳайвон тўғри унга отилди ва йигитни ютиб юборди. Денгизчилар аввалига на китни ва сувга тушиб кетган матросни топа олмадилар.

Товуш тутқичлари ёрдамида ниҳоят кит топилди ва уни ўлдириб кемага тортиб олишди. Матрослар кит қорнини ёриб, ҳайратдан донг қотиб қолишди. Кит ошқозонида... ёш денгизчи ҳушсиз ётарди. Кема шифокорлари йигитни ўзига келтириш учун анчагина ҳаракат қилди. Кит ошқозонида ўтган ярим соатда унинг ошқозонидан ажралиб чиқадиган ҳазм шираси йигитнинг баданини куйдириб юборибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Джон Парфитни вертолётда қуруқликка олиб кетишди. Ярим йил даволангач унинг соғлиғи тикланди.

Журналистлар кўпинча Джондан кит қандай ютиб юборгани, унинг ошқозонида нималар кўргани ҳақида сўраб-суриштиришади.

— Сувга йиқилганимдан сўнг, рўпарамда улкан махлуқни кўрдим, сўнг мени ҳаво тортиб, қоронғу ғордай китнинг оғзига кириб кетдим, — дея ҳикоя қилади Джон. — Қандайдир шилимшиқ, сирпанчиқ, тор йўллардан ўтдим. Кейин деворлари гоҳ кичрайиб, гоҳ кенгайиб турадиган, жуда ҳам дим ва иссиқ жойда ҳушимдан кетдим...

Олимлар бу ғаройиб воқеа тафсилотларини таҳлил қиляптилар. Улар Джоннинг бахти бор экан, тирик қолибди, дейишмоқда. Агарда у китнинг ўткир тишларига дуч келганида, ҳушидан кетиб, ҳаракатсиз ётмаганида ҳалок бўлиши муқаррар эди. Энг муҳими, кит денгизчини ютганидан сўнг бир неча дақиқа ўтгач, у отиб ўлдирилди. Натижада китнинг баданидаги ҳарорат тезда совиб, ошқозони ўта қайноқ ҳазм ширасини чиқара олмай қолди.

**"Элга хизмат — олий ҳиммат", деган иборани бот-бот такрорлаймиз. Аҳоли талабларини қондириш йўлида намунали хизматни ташкил этиб, сифат ва самарадорликка, жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишга интилаётган пойтахтимизнинг савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳам кенг миқёсда нишонланадиган касб байрамларини меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишга интилишмоқда. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи ўринбосари Рауф ҲАКИМОВ қуйидагиларни баён этди:**

*Савдо, матлубот кооперацияси ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунига*

## ЭЛ ХИЗМАТИДА КАМАРБАСТА

— Ҳар бир соҳанинг ўз талаби, мақсад ва вазифалари ҳамда масъулияти борки, бу борада имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритиш муваффақиятлар гарови бўлади. Департаментимиз шаҳар аҳолисини узлуксиз халқ истеъмол моллари билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Пойтахтимизда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, янги замонавий корхоналар ва шохобчалар очиш масаласида бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди ва улар ўз навбатида яхши натижалар бермоқда.

1991 йил Тошкент шаҳрида савдо соҳасида 5,5 мингга яқин дўкон, умумий овқатланиш корхона ва шохобчалари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган бўлса, 2005 йил 1 июнь ҳолатига келиб савдо соҳасида улар сони 14131 тани (шу жумладан 9670 дўкон, 2389 умумий овқатланиш, 737 майда чакана савдо шохобчалари), маиший хизмат соҳасида бу кўрсаткич 3550 тани ташкил этди, яъни савдо соҳасида корхона ва шохобчалар сони 2.5 баробар, маиший хизмат соҳасида — 3 баробарга ошди.

Республикамизда, шу жумладан шаҳримизда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига катта аҳамият қаратилмоқда, натижада соҳа равнақи асосан тадбиркорлар маблағлари ва чет эл инвестициялари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Кейинги 3-4 йилда шаҳарда йирик супермаркетлар сони 3 баробарга кўпайиб бугунги кунда улар 33 тага етди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги "2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан 2005 йил январь-июнь ойларида шаҳримизда бир қатор замонавий савдо иншоотлари қурилди ва қайта таъмирланиб ишга туширилди.

Кичик ва хусусий тадбиркорларнинг 70 фоиздан ортиғи савдо соҳасида фаолият кўрсатмоқда, уларнинг асосий қисми бозорларда иш юритадилар. "Тошбозортайёрловсавдо" уюшма тизимидаги универсал бозорлар ва савдо марказларида 26.7 мингга яқин савдо жойлари яратилган, улардан 70 фоизи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси, 30 фоизи бошқа товарлар савдоси учун ажратилган. Хусусий тадбиркорларга бозор ва савдо марказларида керакли шарт-шароитлар яратиш ишлари давом этмоқда.

"Эски Жўва"да гўшт бозори қайта таъмирланди, замонавий усулда совуткичлар орқали гўшт маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди. Тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида "Полиз маҳсулотлари", "Миллий кийимлар", "Миллий таомлар" шохобчалари ишга туширилди. Бугунги кунда бозор ҳудудида 40 та янги савдо шохобчаси қурилмоқда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

М.Улуғбек туманидаги "Наврўз универсал бозори" ҳудудида катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди, Ҳамза туманидаги "Авиасозлар" ва "Паркент" бозорларида катта ўзгаришлар амалга оширилди, эски савдо расталари ўрнига дўконлар қурилди ва эгаларига топширилди.

Бу тадбиркор ва харидорларга катта қулайликлардир. Шаҳар аҳолисини нон ва нон-булка маҳсулотлари билан таъминлаш масаласида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. "Тошкент нон" уюшмаси тизимидаги нон ишлаб чиқарувчи корхоналарда истеъмолчиларга 60 хил янги турдаги маҳсулотлар, шу жумладан 53 хил нон, нон-булка, 5 хил қандолат, 2 хил макарон маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Нон ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан бугунги кунда 200 номда нон ва нон маҳсулотлари, 20 та номда қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Инсон саломатлигида муҳим бўлган парҳез нонлар ишлаб чиқарилиб аҳоли дастурхонига, шифохона ва соғломлаштириш масканларига етказиб берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, соҳа ходимлари ҳамиша изланишда, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш ҳаракатида. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни касб байрамлари билан чин дилдан қутлаб, ишларида омад ёр бўлишини тилайман.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**25 ИЮНЬ, ШАНБА**

**Ҳинд мунажжимларининг таъбирича,бугунги кун само ҳаками Рашну, Адолат ҳаками куни ҳисобланади. Ҳамиша бу кунни енгил ва қувноқ байрам сифатида нишонлашади. Кўнглингизга нима келса – шуни қилишингиз, фақат бунда зинҳор қонунларни бузмаслик, бировларга оғирлигингизни туширмаслигингиз керак бўлади.**

Бугунги кун дам олиш, шаҳар ташқарисига саёҳатлар уюштириш, деҳқончилик ишлари билан шуғулланиш учун жуда мос келади.

Бир туркум мунажжимлар, бугун ҳар бир ишда тамизлилик, эҳтиёткорлик ва меъёрни билишга даъват этишади. Шу куни янги танишлар орттириш тавсия этилмайди. Чунки бунинг оқибати оғир бўлиши ёки нохушлик билан давом этиши кутилади. Шунингдек, қарзга пул олиш ёки бериш, муҳим ҳужжатларни имзолаш,қасам ичиш ва ваъдалар бериш ҳам матлуб эмас.

**ШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— имкон қадар ҳар қандай ташвишлардан дам олиш;

— ойнинг ўтган кунларига якун ясаб, келажак режаларини тузиш, унчалик муҳим бўлмаган рўзғор ишлари билан шуғулланиш;

— агар вазият тақозо қилса, уйда қолиб, ҳеч қаёққа чиқмаслик;

— Ҳамкасблар ва қариндошлар билан умумий муаммоларни муҳокама этиш тавсия қилинади.

Спиртли ичимликлар ичиш, маст кишилар билан мулоқотда бўлиш, маишатбозликка берилиш, одамлар эътиборини ўзига тортиш бугун хавф-хатардан холи эмас.

**26 ИЮНЬ, ЯКШАНБА**

**Меркурий, Зуҳро ва Сатурн бугун Қисқичбақа буржида ўз қувватларини бирлаштирадилар. Астрологияда учала сайёра кучлари бирлашган шу ҳолат рамзий маънода инсон қалби Само билан Ер ўртасида, табиатнинг онгсиз кучлари билан ижод даҳоси олий идроки ўртасида ўз воситачилик ўрнини топишини билдиради.**

Бинобарин, бугунги кун уйғунлик ва гўзаллик ўртасидаги уйғунликнинг абадий қонунларини ўрганибгина қолмай, балки уларни ўз ҳаётларига сингдириш учун ҳам ғоят қулай келади. Бу ҳолат, инсон маънавий такомилга эришиб, одатий дунёни унинг олий, махфий қудратида кўра олган тақдирдагина чинакамига бахтли бўлишига эътиборни жалб этади.

Бошқа бир мунажжим бугунги кунни аждодлар хотирасини эъзозлаш, ёдга олиш билан боғлайди. Зеро, дейди у, улар ўзлари "ҳаётга йўлланма" берган авлодлари нималар қилаётганларини диққат билан кузатиб боришади. Шунинг учун ота-оналарингиз, қариндош-уруғларингизга кўпроқ эътибор қилинг, уларга ғамхўрлик кўрсатинг. Муҳтожларга ёрдам қўлини чўзинг. Аждодлар руҳини шод қилиш, душманларингиз ва сизни хафа қилганларни кечириш, ҳаётингиздаги яхши кунлар ва воқеаларни эслаш энг матлуб амаллардан бўлади.

**ЯКШАНБА КУНИ:**

— янги ишни бошлаш;

— жуда муҳим шахсий ҳужжатларни расмийлаштириш;

— тўлалигича сизнинг ихтиёрингизда бўлган ишлар билан шуғулланиш;

— феъл-атворингиздаги салбий хусусиятлардан халос бўлиш тавсия этилади.

Худбинлик ва ўзбошимчаликни намоён этиш мақсадга мувофиқ эмаслигини эслатиб ўтамиз.

**27 ИЮНЬ,ДУШАНБА**

**Юлдузлар бугун ҳар қандай сафарлар, шу жумладан хизмат сафарлари, саёҳатлар муваффақиятли бўлишига кафолат беришади. Ўз ички туйғуларингиз нимага даъват этса – ўшани бажаришингиз мумкин.**

Бугунги кунни фаоллик, уддабуронлик, катта ва муҳим ишларни бошлаб юбориладиган кун дея таърифлашади яна мунажжимлар. Фақат янги ишни пешингача бошлаш талаб қилинади Чунки куннинг иккинчи ярмидаги ортиқча фаоллик қандай оқибатларга олиб боришини олдиндан айтиш қийин.

Бу кеча кўриладиган тушлар ҳар бир киши учун алоҳида маънога эга бўлиб, алоҳида таъбир этилади.

Саломатлигингизни мустаҳкамлашда чиниқтирувчи муолажалар, совуқ сувда чўмилиш, югуриш, ҳаракатда бўлиш фойдалидир.

Яшил ва сариқ тусли либослар бугунги кун учун кўпроқ ярашиқли бўлиб, қизил, қора ва сиёҳрангли кийимлар бугунга тўғри келмайди.

**БУГУН:**

— меҳнат таътилига чиқиш, хизмат сафарига, романтик саёҳатларга йўл олиш;

— ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда ўз салоҳиятингизга ишониш;

— жамоат ишлари билан машғул бўлиш тавсия этилади.

Бир йўла бир неча иш билан шуғулланиш, пайларингиздаги оғриқларга бефарқ қараш, жуда манфаатли таклифларни қабул қилишдан тийилишни маслаҳат берамиз.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


Ободонлаштириш бош бошқармасининг Махсус бўлинмаси дайди ҳайвонларни тутиш ва шаҳар ҳудудидан дайди ҳайвонлар жасадларини йиғиб олиш ишларини амалга оширади. Дайди ҳайвонлар, ҳайвон жасадлари учраган шаҳарда ва хўжаликда кераксиз ит ва мушукларни олиб кетиш учун 133-44-44, 133-55-55, 47-72-27 телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз. Хизматлар бепул амалга оширилади.



**СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН, ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИБ БАНД СОЛИНГАН АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЧИҚ КИМОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ.**

**2005 йил 5 июль кунида қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:**

1. "КАВЗ 3270" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 598, бошланғич нархи 1.906,569 сўм, техник носоз;
2. "ЛАЗ-695" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 686, бошланғич нархи 3.106, 862 сўм, техник носоз;
3. "ЗИЛ 130 Б" автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 596, бошланғич нархи 2.704.230 сўм, техник носоз;
4. "КАМАЗ 5320 " автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 607, бошланғич нархи 3.067.000 сўм, техник носоз;
5. "ЗИЛ 130 ПМ"автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 603, бошланғич нархи 1.613.000 сўм, техник носоз;
6. "ВАЗ 2108" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 K 57-56, бошланғич нархи 2.400 000 сўм, техник носоз;
7. «М-412 ИЭ» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 81-41, бошланғич нархи 512 000 сўм, техник соз;
8. "КАМАЗ 5410" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 606, бошланғич нархи 2.055.559 сўм, техник носоз;
9. "Ярим тиркама" , 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 53-44 TH, бошланғич нархи 316.530 сўм, техник носоз.

**2005 йил 26 июль кунида қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:**

1. «Мерседес-Бенц-160» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Y 08-04, бошланғич нархи 55 000 000 сўм, техник соз;
2. «Мерседес-Бенц SL 500» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AN 999, бошланғич нархи 100 000 000 сўм, ҳаракатланмайди;
3. «Ваз-2103» автомобили, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 T 56-17, бошланғич нархи 220 000 сўм, техник носоз;
4. «Уаз-330301» автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 U 05-59, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
5. «Ваз-21083» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 V 07-31, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
6. «Нексия» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 12-57, бошланғич нархи 8 789 755 сўм, техник соз;
7. «Ваз-21063» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 N 83-82, бошланғич нархи 1 700 000 сўм, техник носоз.

**"Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади.**

**Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.**

**Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.**

***Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.***

***Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.***

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

ҲИКОЯТ Бир улуғ киши ҳикоя қилиб деди: «Мен бир қавмни кўрдим. Ўз ака-укаларини узоқ вақт кўрмай юраверишар экан. Кўрганда эса, ҳол-аҳвол сўрашмас, фақат, ишдан гапириб, агар бир-бировига мол керак бўлса, қўлларида борини аямас эканлар, буни ҳеч қачон миннат қилишмас экан.

Яна шундай қавмни кўрдим. Агар бир кун кўрмаган бўлса, ҳол-аҳволни, қандай яшаётганини, бола-чақа, хотин-халажларни зўр эътибор билан суриштиришар экан. Ҳатто, агар уйида жўжа бўлса жўжанинг ҳолини ҳам сўраркан. Агар гап молдан чиқса тездагина чап бериб қочишар, арзимас бир нарсани беришга оғринишар экан»

Байт:

**Юз марта ҳол-аҳвол**
**сўрагандан кўра,**
**Бир тийин ҳадя қил**
**дўст экан ночор.**
**Юзлаб ширин сўздан**
**яхшироқ эрур,**
**Бир марта яхшилик**
**айласанг минг бор.**
**Ёрдам қилиш агар**
**бўлмаса дилдан,**
**Тилингни тийгину**
**сўзлама зинҳор.**
**Куп-қуруқ сўз**
**билан алдаса**
**ҳар ким,**
**У одам эмасдир,**
**тулкидир айёр!**

● Ишқ либосини кийишдан ор қилиш ва муҳаббат лаззатидан бебаҳра бўлиш табиатнинг оғир жафоси ва касаллик тақозосидир.

**Кимнинг юрагида**
**муҳаббат бўлса,**
**Бузуқ наф**
**қуйидан ўзини**
**қутқарар.**
**Ҳаётнинг қўлидан**
**зарба ер бир кун,**
**Ҳар ким муҳаббатсиз**
**умр ўтказса.**
**Саодат кимёси**
**ҳисобланур ишқ,**
**У қалбини айлагай**
**бамисоли зар.**

## ЛОҚАЙДЛИК — ИЛЛАТ

Тушлик пайт остона ҳатлаб уйга киришим билан аёлим деди:

— Келдингизми отаси, кеча айтаман деб хаёлимдан кўтарилибди. Тоғаваччангиз Аҳмаджон шифохонадан соғайиб чиққанига бугун тушдан кейин уйига уч-тўртта қадрдонларини таклиф қилаётган экан. Сизни ҳам тайинлаб айтиб кетувди.

Оғир касалликни енгиб соғайиб уйга қайтган қариндошимизни вақтида йўқлай олмадик. Ҳеч бўлмаса унинг ўзи таклиф этганда «Ҳорма, бор бўл» қилмасак одамгарчиликдан бўлмас. Шуни ўйлаб изимга қайтиб, Аҳмаджонларникига шошилдим.

— Ана ўзлари келиб қолдилар, — дейишди мени кўриб қондошлар. — Ҳозиргина сизни эслаб турган эдик.

Ҳамма билан бирма-бир сўрашиб бўлганимиздан сўнг Аҳмаджон мени меҳмонхонага таклиф қилди. Ўн чоғли одам тўпланган хонада гурунг қизиган экан. Йиғилганларнинг деярли ҳаммаси яқинларимиз бўлгани учун тезда биз ҳам суҳбатга қўшилиб кетдик. Фақат давра тўрида ўтирган нотаниш йигит ҳангомамизга унчалик қўшилмас, ўзини бегоналардек ҳис этиб, ноиложликдан ора-чора жилмайиб қўярди.

Қуюқ-суюқдан сўнг фотиҳа ўқилиб, ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Мезбонларнинг «Ҳали эрта, яна бироз ўтира туринглар» деган таклифларига миннатдорчилик билдириб ташқарига чиқдик.

Аҳмаджоннинг отаси — бизга тоға бўлмиш Муҳаммаджон ака қўлидаги зарбоп тўннинг бағрини ёзиб чақирди.

— Қани, Ҳусанжон ука, бери келинг.

Бояги давра тўрида уялиб ўтирган нотаниш йигит ҳижолатомуз жилмайиб унга яқинлашди.

Муҳаммаджон тоға мезбоннинг елкасига тўнни ташлаб, унга миннатдорчилик билдириб, узундан-узоқ дуо қилди. Кейин билсак иззатланаётган меҳмон чиндан ҳам хайрли иш қилган, таъбир жоиз бўлса Аҳмаджонни ўлимдан сақлаб қолган халоскори экан.

Тоғаваччам эрталаб ишга шошилиб бораётиб автобус бекатида ўзини ноқулай сезибди. Ҳеч кимга сездирмай аста ўриндиққа ўтирибдию орқадаги дўкон деворига бошини тираганича ҳушидан кетибди. Биров унга эътибор берибди, биров кўриб кўрмасликка олибди. Баъзилар уни маст-аласт фахмлаб ёнларидан индамай ўтиб кетаверишибди. Хуллас у шу алпозда бекатда анча вақт қолиб кетибди.

Боши деворга тиралганича қийшайиб ётган бегона киши бекатга эндигина келиб улгурган шифокор Ҳусанжоннинг диққатини ўзига тортибди. У дарҳол югуриб келиб қараса, нотаниш бир инсоннинг ҳоли танг, у зўр-базўр нафас олаётган экан. Ҳусанжон тўсатдан бошланган қаттиқ юрак хуружидан ҳушини йўқотган одамга ўз билганича дастлабки муолажани кўрсатибди. Кейин дарҳол йўловчи бир машинани тўхтатиб, уни ўзи ишлаётган шифохонага олиб кетибди.

Ниҳоятда оғир аҳволда келган бемор касалхонанинг реанимация бўлимига ётқизилгач, унга зудлик билан муолажалар бошлаб юборилибди. Беморга Ҳусанжоннинг ўзи қарабди. Бир ҳафтадан сўнг бемор кўзини очибди. Ўлим хавфи чекинганини сезган Ҳусанжон ҳам анча енгил тортибди. Бир ойдан сўнг Аҳмаджон оёққа турибди.

— Хуллас ана шу инсоннинг ёрдами, меҳнати билан мен яна ҳаётга қайтдим, — дейди ҳикоясини якунлаб Аҳмаджон. — Яхшиямки, ҳаётда ўзгаларнинг дардига малҳам бўладиган сергак, ҳушёр, куюнчак Ҳусанжон каби инсонлар бор. Бўлмаса «Ўзингни бил, ўзгани қўй» қабилида иш тутиб юрган лоқайдларга кунимиз қолса нима қилардик?

Ҳар галгидек бу сафар ҳам ҳаммамиз бир овоздан лоқайдлик — ашаддий иллат эканлигини таъкидлаб инсоний фазилатларнинг барчасини ўзида мужассам этган Ҳусанжон каби инсонларга «Бор бўлсин шундай кишилар» дея улар шаънига мадҳиялар ўқидик.

## ҚАДР

Машина баҳона бўлди-ю, Қодир ота қадрдон автокорхонасига борди. Ичкарига кириши билан қалбидан қуёш чиққандек бўлди. Отанинг кўзига бу ердаги ҳамма нарса ўзгача, гаштли кўринди. Гўё икки йил ичида корхона бутунлай ўзгариб кетгандек. Бир зумда отанинг атрофини дўстлари, шогирдлари ўраб олишди.

Ҳув ана, пастаккина бостирма тагида турган машина уники эди. Ота уни фарзандидек авайлаб-асради. Бўш қолди дегунча артиб, тозаларди, мойларди. Ҳайдовчиларнинг ҳаммаси ундан ўрнак олишарди. Ота ҳамма билан бирдек дилкаш ва самимий эди. Лекин ким машинасини қаровсиз қолдирса аяб ўтирмасди, танбеҳ берарди.

У ўз машинаси ёнига келди. Рулда ўтириб эндигина машина моторини ўт олдирган йигит отага бир зум тикилиб қолди. Сўнг югуриб келиб қучоқлашиб кўришди.

Кечагидек эсида. Бундан икки йил муқаддам бутун корхона аҳли отани иззат-икром билан қарилик таътилига кузатганида, у ўзининг энг кенжа шогирди, мана шу норғул йигит Муроджонга қадрдон машинасини топширар экан, шундай деган эди:

— Уни севиб авайладим, у менга ҳурмат ва обрў келтирди.

Сен ҳам уни астойдил севиб ардоқласанг, кам бўлмайсан.

Ҳа, шогирд устоз сўзига амал қилди.

Гараждан унинг кўнгли тоғдек кўтарилиб чиқди. Барака топишсин азаматлар.Шундай марду майдонлар билан доим ишинг олдингга босади.

У шу хаёл билан бошлиқ қабулхонасига кириб борганини билмай қолди. Эндигина эшик тутқичига қўл узатган эди, котиба қиз уни тўхтатди.

— Мумкин эмас, Салим Каримович бандлар. Телефонда гаплашяптилар. Ўтириб туринг.

Ота бурчакдаги столга ўтириб 15 дақиқа кутди. Ярим соат ҳам ўтди. Энди у тоқатсизлана бошлади.

— Қизим, бошлиқда зарур ишим бор эди. Қодир ота келди десанг бас, ҳар қандай юмуши бўлса ҳам қабул қилаверади.

Котиба чимирилиб қаради. Сўнг ижирғаниб зўр-базўр ўрнидан турди-да, бошлиқ ҳузурига кириб кетди.

— Кираркансиз, — деди у эшикдан чиқаркан истар-истамай.

Ота қаддини ростлади. Шаҳдам ичкари кирди.

— Ассалому алайкум болам, у бошлиқ билан қўл олишиб кўришишга ошиқди. Салим Каримович креслога ясланганича пинагини бузмай ота билан кўришди.

«Ё тавба, танимадими? Наҳот шунчалик ўзгариб, қариб кетган бўлсам», хаёлидан ўтказди Қодир ота. Бошлиқ оҳиста «Келинг» дедида, бармоқлари билан столни чертди.

— Сизларни соғиниб, кўргани келдим, болам. Қалай, хизматлар яхши кетяптими, чарчамаяпсизми?

— Яхши. Сиз сўрагандан бери...

«Бу қандай муомала. Йўқ, у мени танимаяпти. Ахир атрофимда парвона бўлар эдику. Танимади».

— Рост, қариб қолибман шекилли, танимаяпсиз. Мен Қодир отангиз бўламан.

— Нега? Танидим.

Отанинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Бошлиқ кўзига аянч ва тубан кўринди. У билан ортиқча гап ноўринлигини сезиб, мақсадга ўтди.

— Эски уйимиз йўл баҳонаси билан бузилиб, янги домга кўчмоқчи эдик. Ораси яқин. Шунга кўч-кўронларни ташиб олиш учун дам олиш куни битта машина билан ёрдам берармикансизлар, деб келувдим.

— Нима кўп, кўчада киракаш машиналар кўп. Хизмат ҳақини берсангиз, бир зумда ишингиз битади-қўяди. Арзимаган иш учун шундан-шунга овора бўлиб келиб, чакки қилибсиз.

Ортиқча гапга ўрин йўқ эди. Отанинг юзини совуқ тер босди. Келганига пушаймон бўлди. Бошқа бир оғиз сўз айтмай бошлиқ хонасини тарк этди.

Шу куни биринчи бор у ўз қадрига йиғлади.

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

II-Тошкент Давлат тиббиёт институти 1-клиникаси маъмурияти, бўлим мудири

**Умида Раҳимходжаева АКРОМОВАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими жамоаси, ҳудудий бўлимнинг катта инспектори Тўлқин Шариповга отаси

**Толиб ака ШАРИПОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»**

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛДИ:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган, "ILMIY TADQIQOTCHI" масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 26,69 фоизлик давлат улуши. Бошланғич баҳоси — 36 788 200 сўм.

*Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШҲЖ (авто эхтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси 3 000 000 сўм.*

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**www.tshmbm.uz; Эл.почта:Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-509. 1 2 3 4 6